


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

*61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202~~1~~ йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202~~1~~ йил «25» 08 даги365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши .....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари .....	4
1.2.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....</i>	4
1.2.1.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятнинг соҳалари .....</i>	4
1.2.2.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари .....</i>	4
1.2.3.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари .....</i>	5
1.2.4.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари .....</i>	5
2.	<i>61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Келишув вараги .....	8

# **1. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

## **1.1. Қўлланиш соҳаси**

### **1.1.1. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.**

Малака талаби 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

### **1.2. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

#### **1.2.1. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича)** – хизмат кўрсатиш соҳадаги йўналиш бўлиб, гид ҳамроҳлик иши, оғзаки изчил таржима ва синхрон таржима масалалари, таржимашунослик, лингвистикага оид тадқиқотлар ўtkazish, гид ҳамроҳлик истиқболини белгилаш, касбий кўникма, мутасаддилек қобилиятига йўналтирилган илмий ва таржимонлик соҳаларига доир усуллар, услубларни ишлаб чиқиш, туристлар ва эксперсанларни вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) туристик ресурслар билан таништириш учун таржима бўйича хизмат кўрсатиш, халқаро ташкилотлар, турили давлат ва нодавлат муассасаларида таржима тизимини ташкиллаштириш билан боғлик комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

#### **1.2.2. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги;
- вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимликлар ва бошқа давлат идоралари, муассасаларининг иқтисодий бошқарма ва бўлимлари;
- халқаро иқтисодий ташкилотлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотлардаги ваколатхоналари ва халқаро иқтисодий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари;

- иқтисодиёт ва бизнес йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасалари;
- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумлари;
- турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, давлат муассасалари, мамлакат ва халқаро фаолият билан боғлик бўлган нодавлат ва давлат тизимлари;
- таржимонлик фаолияти;
- ихтисослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

**1.2.3. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- ташкилий-бошқарув;
- гид ҳамроҳлик;
- хизмат кўрсатиш;
- шимий-тадқиқот;
- маънавий ва маърифий;
- педагогик (умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларда)

**1.2.4. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- туризм, маданият, маориф соҳаларида таржимонлик фаолиятини ташкил қилиш;
- таржиманинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- таржима ва таълим жараённида сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш;
- таржима ва таълим жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган технологияларни режалаштириш;
- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- турли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- таълим жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

**Гид ҳамроҳлик фолиятида:**

- мамлакатнинг тарихи, маданияти, этнографияси, иқтисодиёти ва бошқа соҳалари бўйича ишончли маълумотлар бериш;
- туристик йўналишни режалаштириш, туристик зона ва кластерлар ҳакида маълумотларга эга бўлиш;
- туристик обидаларни туристлар ва эскурсантларга таништириш
- экскурсияда ўз хукуқ ва мажбуриятлари доирасидан чикмаган ҳолда туристлар ва эскурсантлар эҳтиёжи ва талабига кўра ҳамроҳлик қилиш;
- хавфсизликни таъминлаш чораларини билиши ва фавқулодда вазиятларда амалий ҳаракат қилиш;
- биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- гид ҳамроҳлик ва таржимонлик фаолиятида касбий этика кодексига риоя қилиш;

**Хизмат кўрсатиш соҳасида:**

- ижтимоий ва маданий хизматлар ва туризм бозорини шакллантириш ва ривожлантириш учун шароитларни ташкил этиш;
- мижозлар (истеъмолчилар) сўровлари билан ишлашни ташкил этиш;

– мижозларнинг (истеъмолчиларнинг) ижтимоий-маданий ва туристик хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

– ижтимоий-маданий хизматлар ва туризм мижозлари (истеъмолчилари) учун комплекс хизматлардан фойдаланиш;

– касбий этика ва одоб-ахлок қоидаларига риоя қилиш;

– шахслараро аюла тизимини шакллантириш усуллари ва усулларини билиш;

– маълумотлар базалари, ахборот тизимлари, оргтехника билан ишлаш;

– ижтимоий-маданий ва туристик фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш;

#### **Илмий-тадқиқот фаолияти:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар ҳакидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет элдаги илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

– илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш;

#### **Маънавий-маърифий фаолиятида:**

– маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкиллаштириш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқбол ғоясини сингдириш;

– ўқувчиларда мағкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

– глобаллашув шароитида кечаятган жараёнларда ёзма маънавий мероснинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунишиш ишларини олиб бориш;

– маҳаллаларда маънавий-ахлокий тарбия масалалари бўйича якка тартибда сухбат ўтказиш;

– миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

**Педагогик фаолиятида (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида):**

– мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим тизими муассасалари ҳамда профессионал таълим муассасалари ва техникумларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва гарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустакил таълим ва ижодий қидирив натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар бўйича ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

## **2. 61010500- Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар

ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йифиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган карорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

## 2.2. Касбий компетенциялар:

- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳакида тасаввур ҳосил қилиши;

- синхрон таржима қуроллари: таржимон кабинаси ва жиҳозлардан фойдаланиш ва уларни бошқариши, нотик ва таржимон нутқлари тезлиги белгилаши, синхрон таржимон маданиятини эгаллаган бўлиши;

- таржимашуносликда пайдо бўлган қарашлар ва муаммоларни таҳлил қилиш, ёзма ва оғзаки таржиманинг асосий усусларидан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хуносалар чиқариши;

- Шарқ мамалакатларининг маданий ландшафтлари; экотуризм имкониятлари; анъаналари ва миллий маданияти ҳакида тасаввурга эга бўлиши

- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “A1 бошланғич” босқичидан бошлаб “B2 тилни мустаҳкам эгаллаш ва эркин мулоқот қила олиш” босқичигача бўлган кўникмалар доирасидаги билимларни камраб олиш;

- ўрганилган шарқ ҳамда гарб тилларида ахборот таҳлилини олиб бориш, шунингдек, таржима ва иқтисодий масалалар бўйича объектив консалтинг хизматларини бажариш қобилиятини шакллантириш;

- асосий ўрганилаётган тилдаги матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қила олиши; чет эллик мутахассислар билан муайян соҳада ва умумий масалаларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориши; ҳар турли ва мураккаб матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилдан асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги адабий шаклига ёзма таржима қила олиши;

- соҳага оид фанларни ўқитиш методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти каби тамойиллари;

- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини хисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

## Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режаси ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқув цикли, асосий ўрганилаётган тил, гид ҳамроҳлик, таржимонлик, таржимашунослик, таржима назарияси ва амалиёти, синхрон таржима, оғзаки таржима, ёзма таржима, таржимон маданияти, таржимон этикаси, тилнинг ёзма, адабий ва оғзаки шакллари, лексик-грамматик хусусиятлари, туризм асослари, хизмат кўрсатиш ва меҳмонхона бошқаруви асослари, туристик фаолият субъектлари, экспурсия иши, маданий ва тарихий обидалар, туристик ресурсшунослик, туристик-экскурсион лойиҳалаштириш.

# КЕЛИШУВ ВАРАГИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор  Г.Ш.Рихсиева

202 1 йил « 18 » 08



## КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимини  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази



М.Эсанов

202 1 йил « 18 » 08

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети



С.Сафоев

202 1 йил « 18 » 08

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва  
спорт вазирлиги



Вазир ўринбосари  
А.Аккулов

202 1 йил « 18 » 08

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети



Ректор  
К.А.Шарипов

202 1 йил « 18 » 08